

ҚИШЛОҚ КУТУБХОНАСИ

Китоб - зиё, маънавиятимизни юксалтиришнинг асосий омилларидан бири. Хозирги кунда китоб, кутубхоналик, кутубхоналарга эътибор масаласида турли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Тахлиллар шунини кўрсатадики, халқимиз хамиша китобни ўзига энг яқин ошно ҳисоблаган. Адабиётларга бой, одамлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган эътибор мақсадлари хамиша гавжум бўлади. Яқинда Ҳўнбобоев шаҳар Умаров кўчасидаги уйда умргузаорликни қилаётган Ботиржон Болтаев билан суҳбатда бўлдим. У ўз фарзандларини кутубхонага бошлаб бориб, бой адабиётлардан унумли фойдаланишда яқиндан ёрдамлашаркан. Хонадон аъзолари шу тарихи Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Уткир Хошимов каби сеvimли ёзувчиларимизнинг барча асарларини ўқиб чиқишди. Навоий, Бобур шеърятидан бохабар бўлишди.

Китоб билан дўстлашган йигит ва қизларнинг дунёқараши ўзгача бўлади. Она заминга ихлос, иштиёқ, ташаббускорлик барвақт қуртат олади. Энг муҳимларидан яна бири - миллий ғурур қалбларида жўш уради. Шу ўринда Жалақудуқ туман марказий кутубхонаси фаолияти ҳусусида тўхтастас. Бу ер кун бўйи шинавандалар билан гавжум. Аввало хоналар шинама, озода, дид билан жиҳозланган. Китобхон аксарият ўринларда ўзи истаган адабиётни топиб ўқиши мумкин. Олма фикр-мулоҳазаси, таклифлари мунтазам инобатга олинб келинапти. Сўнгги ойларида ўзида мингга яқин адабиётлар келтирилди ва эндиликда уларнинг сони 5,5 миңдан ошди. 2002 йилда зиёнонага 3089 нафар китобсевар жалб этилган бўлса, хозирга келиб бу рақам 3300 кишига етди.

Китоб тарғиботи намунали йўлга қўйилган. Маданий-маърифий тадбирлар вақтида, уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, кутубхона маъмурияти ҳамда туман маданият уйи мутасаддиларининг ташаббуси билан Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган «Назм ва наво» кечаси уюштирилди. У чинакам санъат байрамга айланб кетди. Қишлоқ ёшлари, корхоналарнинг ишчи-хизматчилари, касбухона коллежлари талабалари сеvimли шоирларнинг газалларидан намуналар ўқидилар. Классик қўшиқларимиз даврага ўзгача шукӯҳ бағишлади.

Мақсадга эришишда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик яқин йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Касаба уюшмалари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамда туман прокуратураси, Ички ишлар бўлими ёрдамида ўтказилган савол-жавоблар, давра суҳбатлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. «Конституциямиз ва миллий қадриятларимиз» мавзусидаги давра суҳбатининг аҳамияти катта бўлди. Олимлар, ҳуқуқшунослар мустақил Ўзбекистонда қонун устувор эканлигини ҳаётий мисоллар орқали лўнда ифодалаб бердилар.

Кутубхонага ташриф буюрувчилар сони ой сайин ортмоқда. Адлия ходимлари иштирокида ойда бир ўтказилаётган «Ҳуқуқшунослар» клуби машғулотларига ҳам қизиқувчилар кўп. Фуқаролар ўзларини ўйлангиратган, тўқинлангиратган саволларга тўқлонли жавоб олишмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳуқуқий саводхонликни оширишга хизмат қилмоқда. «Нихол» тўғарага 20 нафардан кўпроқ қаламқаш уюшган. Машғулотларда энг яқин китоблар таништирилиб берилди, ёш ижодкорлар машқлари таҳлил этилди. Энг яқинлари газета ва журналларда чоп этиш учун тавсия этилди.

Марказий кутубхонада учта бўлим ишлаб турибди. Бу ерда табақалаштирилган услубда маданий хизмат кўрсатилади. «Укув жараёнига ёрдам маркази»да ўқувчиларга, талабаларга методик қўлланмалар тавсия этилади. Бадний адабиётлардан ташқари, ижтимоий соҳага оид қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар, Меҳнат Кодекси, Оила Кодекси қабулларида унумли фойдаланилмоқда. Қувончлиси шунки, марказий кутубхона эндиликда олис қишлоқдаги зиё масканлари, оилавий кутубхоналар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Китоб фондини бойитиш, ёшлар қизиқишини ўрганиш борасида ҳамжиҳат ҳаракат қилинмоқда.

Қаторлиқ қишлоғида яшовчи тажрибали педагог Жумабой Парпиевнинг хонадонида маҳалладошлари тез-тез учрашиб туришади. Сабаби, оилавий кутубхонада икки мингта китоб мавжуд. Шу қишлоқда фаолият юритяётган 26-тармоқ кутубхонаси мудири Насибхон Холиқова ҳам хонадон кутубхоналарини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бир вақтлар «Кутубхона - оила хизмати»да шўри остида ўтказилган республика кўрик-танловида ушбу маҳалладан ногирон болаларга намунали хизмат кўрсатиб келаётган нуруна фахрли ўринларни эгаллаганди.

Марказий кутубхона ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари ҳам доимий диққат марказида. Тармоққа 300 нафарга яқин касаба уюшма аъзоси уюшган. Унга моҳир ташкилотчи Динфуза Усмонова етакчилик қилапти. Кутубхоначилар касб маҳоратини ошириш, зиё масканларининг моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда биз ҳўқа қилаётган зиё маскани ходимлари ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Вилоятдаги кутубхоналар ўртасида биринчи ўринни эгаллаб, ажойиб совға - компьютер билан тақдирландилар.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

АФФОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Ўтиш Ислон Давлати ахборот ва маданият вазири Маҳдум Раҳин бошчилигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Баҳром Қурбонов билан учрашди.

Афғонистонда узоқ йиллик фуқаролар уруши туфайли илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш соҳалари бутунлай издан чиққан эди. Айни пайтда мамлакат халқаро ҳамжамият, жумладан, Ўзбекистон кўмаги билан тикланиш йўлидан бормоқда. Мулоқот чоғида меҳмон кўрсатилган ёрдам учун Ўзбекистон Президентини ва халқига алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашди. Маданият, маориф соҳаларидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, кутубхоналар ташкил этиш, маданият

масканлари барпо этиш борасида қатор келишувларга эришилди. Афғонистон вазири бу борада ўз юртида ўзбекистонлик мутахассисларнинг тажрибаси ва кўмагига эҳтиёж катта эканини таъкидлади.

Делегация аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Амалий санъат музейида бўлиб, нодир экспонатларни кўздан кечирди. Самарқанд шаҳрини зиёрат қилди.

(ЎЗА)



ЭКСПОРТ ҲАЖМИ УЧ БАРОБАР ОРТДИ

Бугунги кунда «Намангантўқимачи» акционерлик корхонасида беш миңдан ортиқ киши меҳнат қилади. Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Жорий йил бошидан бун 10 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 53 фоиз кўп.

Асосий эътиборни маҳсулот сифатини оширишга қаратилган. Деҳди корхона бош иқтисодчиси У.Абдуллаев. - Харидорлар сони кўпаймоқда, экспорт ҳажми ҳам уч баробарга ортди. Хоррижа қиймати 1 миллион 800 миң АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди. Матолар Туркия, Корея Республикаси, Эрон, Россия ва Қозғоғистонга жўнатилмоқда.

Суратларда: тўқувчилар О.Сайдалиева, Н.Хотамова ва Х.Холиқовалар; илгор ишчи Г.Каримова.

Х.МАМАДАЛИЕВ,
(ЎЗА) олган суратлар



ТАРАДДУД НИҲОЯСИГА ЕТДИ

«Дўстликдон» очик акциядорлик жамияти вилоят донни қайта ишлаш тизимидаги йирик корхоналардан саналади. Утган йили бу ерда Дўстлик, Мирзачўл ва Арнасой туманларидан қабул қилинган 96 миң тоннага яқин дон қайта ишланган эди.

Бу йил Дўстлик тумани галлакорлари донни тўғридан-тўғри корхонамиз элеваторига топширади, - дейди жамият раиси Мурод Фозиев.

Бу ортиқча сарф-харжатларнинг олдини олади. Дон ташишга жалб этиладиган автотранспорт ташкилотлари, хусусий автомобиль эгалари билан шартномалар тузилиб, ишчилар учун шарт-шароит яратилди.

Корхонанинг Мирзачўл туманидаги дон қабул қилиш шохобчаси 32 миң тоннадан зиёд галла қабул қилиш имконига эга. Қарийб ўттиз миң тонна дон қабул қилиши мўлжалланаётган Арнасой шохобчасида ҳам мавсумга ҳозирлик қўрилди.

Бор бўл, оқибат!

«Насаф» ўйингоҳи. Минглаб одамларнинг нигоҳи асосий минбарга қаратилган. Аҳли жамоатнинг кўз ўнгига Қарши шаҳрида яшовчи 43 та кам таъминланган оиланин ҳар бирига банкда ҳисоб рақами очилганлиги маълум қилиниб, жамғарма дафтарчалари топширилди.

Олқишлардан ўйингоҳ ларзага келди. Саховатдан кўнгуллар чаргон бўлди. Хайрли ишга «Уйжой жамғармабанк», «Пахтабанк», «Халқ банки» ва шаҳардаги бир қатор ҳомий ташкилотлар муносиб ҳисса қўшдилар, - дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Я.Иноятов.

йўлланма берилди. Меҳр-муруваат фақат моддий ёрдамдан иборат эмас. Ижтимоий ҳимоянинг маънавий томонлари борки, у минглаб кўнгулларни нурафшон қилади. Вилоят ёш савҳатчилар ва ўлкашунослар маркази ташаббуси билан Қаршидаги Меҳрибонлик уйида адабий кеча ўтказилди. Марказ қошидаги фольклор-этнографик даста аъзолари томонидан ижро этилган шеър ва қўшиқлар, ҳозирбали рақслар болаларда катта таассурот қолдирди.

САХОВАТДАН ДИЛЛАР МУНАВВАР

кам таъминланган оилалар ҳисобига банкка пул қўйилди

Улуғ алломалар айтганларидек, меҳр-муруватни ўзига ҳамроҳ қилган, эзу амаллар руҳияти билан яшаган ҳар бир киши умридан барака топади.

Вилоят марказининг «Насаф» маҳалласида истиқомат қилувчи кам таъминланган Раҳимқўловлар оиласининг кенжа фарзанди Анаваржоннинг суннат тўйи ўтказилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Ботировнинг айтишича, худудда яшовчи 6 нафар кам таъминланган оила ва 6 та боқувчисини йўқотганларга доимо ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келинади. «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси томонидан тўйбола Анавар Раҳимқўловга ёзи тазтилда дам олиши учун соғломлаштириш оромгоҳига йўлланма тақдим этилди.

«Муборакнефтьгаз» унитар шўба корхонаси бошлиғи Ниёзбой Умаров, бирлашган 500 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 10 нафар ногирон газеталарга бепул обуна қилинди. Жамият билан 10 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш уюшмаларини амалга ошириш учун шартнома тузилиб, 5 нафар ногирон доимий иш билан таъминланди.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган «Камалат жилиси» республика расмлар кўрик-танловида Китоб туман Меҳрибонлик уйида таълим олаётган 10 ёшли Нуриддин Турсунов ва 11 ёшли Бахтиёр Примовлар голибликни қўлга қритишди. «Бандлик» дастури аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган. Қамаш туманидаги Мангит маҳалласида янги ил йиғирива чеки ташкил этилиб, 60 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабат, Ажаб саодат эрур яхшилик бирла чикса от. Улуғ бобомиз Алишер Навоий айтганларидек, эзулу, меҳр-оқибат хамиша кўш нури каби инсон кўнглини ёритади. Одамнинг қилган яхшиликлари ортида қолади.

Изаат ХИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

«КЕЙС» ЛАР ИШГА ТУШДИ

Ҳар йилгидек Сурхондарё галлакорлари мамлакатимизда биринчилардан бўлиб дон ҳосилини йиғиштириб олишга киришилди. Айни кунларда воҳанин Термиз, Жарқўрган, Ангор, Музабод туманларида галла йиғим-терими уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

«Ҳўжалигимиз галлакорлари 1700 тонналик хирмон уюшга бел боғлаган, - дейди «Дўстлик» ширкат ҳўжалиги раиси О.Жўлиев. - Ўз вақтида ўтказилган агротехник тадбирлар самараси натижасида далаларимизда ҳосил мўл бўлди. Галдаги вазифа, уни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб, мамлакатимиз улкан хирмонига ўз хиссамизни қўшишдир.

Маъмурият билан келишилган ҳолда галла ўрими мавсумида илгорларни рағбатлантириш мақсадида мукофотлар жўрий этдик, - дейди «Намуна» ширкат ҳўжалиги раиси Ф.Маматов. - Унга қўра, энг юқори ҳосилдорликка эришган оилавий пудратчи 100 миң сўм, бош пудратчи эса бир бош қўй ҳамда 100 миң сўм билан тақдирланган бўлди. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблорига эса гилам ҳамда 25 миң сўм пул мукофоти берилди. Бундан ташқари, ўрим-йиғимда жонбозлик кўрсатган барча ишчи-ҳодимлар меҳнати ҳам эътибордан четда қолмайди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

Галла - 2004

Айниқса, Термиз туманидаги «Дўстлик» ширкат ҳўжалигининг 308 гектар майдонида 27 нафар оилавий пудратчи сикдидилдан меҳнат қилиб, мўл ҳосил этиширди. Ҳўжалик маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасининг мавсум олдиндан келишувига асосан, ўрим-йиғим даврида ишчиларга даланингда ўзида иссиқ овқат, дам олиш учун кўма чодирлар ташкил этилди. Комбайнчилар бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун матбўт наشرлари келтирилмоқда.

Кудратли «Кейс» комбайнлари оилавий пудратчи Камол Максимов, Уткир Дўсановларнинг 6 гектарлик галла майдонини сифатли ўриб янчиди. Натижа чакки эмас. Хар иккала пудратчининг ҳисоб-китобида қўра, ҳосилдорлик 50 центнердан ошиб, 30 тоннадан ошиқ галла топширилди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

Болаларни ёзги соғломлаштириш юксак масъулият

Бир неча кундан сўн республикамизнинг сўлим гўшаларинда жойлашган оромгоҳлар болаларни ўз бағрига олади. Ушбу мавсумга жойларда пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, бу йил Қашқадарё вилотидаги 22 та оромгоҳда болажонлар дам олирилади. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳамда оталиқ ташкилотларнинг бевосита кўмаги билан «Ёш алангачи», Беруний номи, Охунбобоев номи, Аҳад Азизқориев номи, Ваҳоб Бердиев номи, «Автомобилчи» оромгоҳларида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилиб, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Шохрисабз туманидаги Охунбобоев номи оромгоҳ таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят кўмитаси тасарруфидда бўлиб, тайёргарлик ишларини агрокурорлиқ таъмирлаш «Саховат» жамоа ишлаб чиқариш корхонаси курувчилари амалга оширишди. Қисқа вақт ичиди 4 та ёзги ётоқхона, мавжуд жиҳозлар таъмирлаш бўлинди.

таб ёзаверсангиз бўлади, - дейди туман ҳокимлиги мутахассиси Абдурахмон Турсунпўлатов. - Барча юмушлар бажарилиб, камчиликлар тугалланди. Оромгоҳ мавсумга тахт.

Хар бир иш сифатига алоҳида аҳамият қаратдик, - дейди «Саховат» жамоа корхонаси раҳбари Ўзман Жумаев. - Асосан таъмирлашда маҳаллий ашёлардан фойдаланаялмиз.

Оромгоҳ раҳбари Султон Ашуровнинг таъкидлашича, ушбу мавсумда 250 нафар бола соғломлаштирилади. Тайёргарлик ишларида жамоа вакиллари фаол иштироқ этадилар. Айниқса, Фазилат Зокированин бу борада хизматлари катта бўлаётди.

«Яқини бориб амалга оширилган ишлар билан танишсак, - юзландик Турсунпўлатовга.

«Бориб вақтингизни манзарали, 500 тул мевали дарактлар эдик. Ётоқхоналар томини ўз маблағимиздан таъмирладик. - Озиқ-овқат заҳираси борми? - 100 килограмм гуруч, бир қанча консерва маҳсулоти бор. Қолганларини кейин олармиз.

Бир қараганда ҳамма ишлар рисоладагидек. Бироқ ҳар мавсумда 300 нафар болаларнинг дам олдиришга мўлжалланган ушбу оромгоҳнинг қурилганига 30 йилдан ошди. Бундан қўриниб турибдики, таъмирга муҳтож. Аллақачон ўз муддатини ўтаб бўлган ошонда жиҳозлари, стол-стуллардан ҳамон фойдаланилаётганликни ажабланилади. Қайноқ сув учун керакли идиш - (бак)лар олинмаган. Ётоқхоналардаги электр симллари очик ҳолатда.

Масканда меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларига амал қилинмаётди. Ёритиш манзарали, 500 тул мевали дарактлар эдик. Ётоқхоналар томини ўз маблағимиздан таъмирладик.

«Бориб вақтингизни манзарали, 500 тул мевали дарактлар эдик. Ётоқхоналар томини ўз маблағимиздан таъмирладик. - Озиқ-овқат заҳираси борми? - 100 килограмм гуруч, бир қанча консерва маҳсулоти бор. Қолганларини кейин олармиз.

Бир қараганда ҳамма ишлар рисоладагидек. Бироқ ҳар мавсумда 300 нафар болаларнинг дам олдиришга мўлжалланган ушбу оромгоҳнинг қурилганига 30 йилдан ошди. Бундан қўриниб турибдики, таъмирга муҳтож. Аллақачон ўз муддатини ўтаб бўлган ошонда жиҳозлари, стол-стуллардан ҳамон фойдаланилаётганликни ажабланилади. Қайноқ сув учун керакли идиш - (бак)лар олинмаган. Ётоқхоналардаги электр симллари очик ҳолатда.

Масканда меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларига амал қилинмаётди. Ёритиш манзарали, 500 тул мевали дарактлар эдик. Ётоқхоналар томини ўз маблағимиздан таъмирладик.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири

Манзарали, 500 тул мевали дарактлар эдик. Ётоқхоналар томини ўз маблағимиздан таъмирладик.

«Бориб вақтингизни манзарали, 500 тул мевали дарактлар эдик. Ётоқхоналар томини ўз маблағимиздан таъмирладик.

«Бориб вақтингизни манзарали, 500 тул мевали дарактлар эдик. Ётоқхоналар томини ўз маблағимиздан таъмирладик.

«Бориб вақтингизни манзарали, 500 тул мевали дарактлар эдик. Ётоқхоналар томини ўз маблағимиздан таъмирладик.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири

Ўқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касба уюшма Тошкент вилояти кўмитаси ташаббус билан Олмаликдаги «Кимёгар» маданият марказида ташкил этилган кўрик-танлов ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Унда вилоятдаги тармоқ корхона ва ташкилотларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар иштирок этдилар.

— Меҳр ва муруват йилга бағишланган ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад соҳа меҳнаткашлари, айниқса, ёшлар онгига ватанпарварлик, юртва садокат каби сифатларни янада чуқурроқ синдириш, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асрашдир, — деди тармоқ вилоят кўмитаси раиси Мавжуда Халилова. — Қолаверса, бундай кўрик-танловларда фикр алмашиш меҳнат аҳлининг ўзаро таъжирба алмасуви, дўстлик ришталари мустақамлланиши натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унутдорлиги ҳам таъминланади.

Кўрик-танлов иштирокчилари уч йўналишда — адабиёт-назм, бадиий ҳаваскорлик бўйича кўшиқ ва рақс жанрида ўз билим ҳамда маҳоратларини намойиш этдилар. Биринчи йўналиш бўйича иштирок этган беш нафар соҳа ходими орасида энг доноси ва шеърятга ихлоси балоади Ангрэн кўмир қониди Мехнат қилаётган Дилфуза Исоқова деб топилди. Бўш вақтларида ўзи шеър машқ қилувчи Дилфуза гўзал шеърлар муаллифи Муҳаммад Юсуфни хотирлаб «Бешинчи ўғил» шеърини шу қадар образли ўқидики, то

ВАТАН ИШҚИ

Учинчи ўринга эса Ангрэн иссиқлик электрстанцияси чилангари Маҳлиё Азизова эришти.

Меҳнат ардоқлаган кишилар

ТҲЙГА ТҲЁНА

1 миллион сўм

Ўн йилдаки у тоғини пайкаларда қаршилайди. Умри дала билан чамбарчас боғланган эмаам, ерни ўзига хатлаб беришгач, муносабати тамомила ўзгариб кетди. Ишонч инсонга қанот экан. Саттор ота текса вужудида қувват кирганини ҳис этди.

Эсида, ерга муносабат ўзгарган, биринчилар қаторида фермер ҳўжалиги ташкил этиш ташвишига тушганди. Ҳеч ким монелик қилмади. 26,6 гектар майдонни ўз тасарруфида олди. Чорвани қўпайтириш пайда бўлди. Базиларга ўхшаб банқдан қара кўтариб ўтирмади. Ердан кўпроқ самара олиш, фойдалан чорва ривожини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Дастлабки фойда ҳисобидан 2 та трактор, 2 та автомобиль, 1 та экскаватор сотиб олди. Чорва туғини 65 бошга етказди. Шундан 18 бошини соғин ситирлар ташкил этди. Ҳамжикларидан 8 нафар кишини иш билан таъминлашга эришди.

74 ёшни қаршилаётган ота ҳам дала ишларига ҳамон ўзи раҳбарлик қилиб келмоқда. Чорвадан турли хил маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Биргина ўлган йили 3 тонна гўшт, 5 тонна сўт етиштирди.

— Юртимизда тадбиркорликка йўл кенг очилган, — дейди Саттор ота Дўстов. — Бу ташаббус танловларда ҳам ўз аксини топапти. Биз ҳам танловнинг туман, вилоят босқичларида иштирок этиб, фахрли ўринларини эгаллаб келаямиз.

Саттор ота фойдалан йил поёнида 8 тонна галла, 4 тонна мош, 4 тонна макка донини аъзоларига тенг тақсимлаб берди. Жумабой Шукров ҳам фермер даласида меҳнат қилади. Ҳалол ишчи, топширилган вазифини маромига етказиб удалайди. Ўз меҳнати билан отахон кўнглидан жой олган. Яқинда ана шу йўл уйландиган бўлди. Тўй ташвишларидан боши анча гангигани ҳам рост.

Бир кун Жумабой хонадонига Саттор ота ташир буюриб қолди. Белбоғи дўппайган, тантанга тайёргарлигини суриштирди. Сўнгра белбоғни ечиб ўртага қўйди. Бу бизнинг тўёнамиз, дея хайр-қўшлашиб чиқиб кетди. Гапнинг очиги, тўёнани кўрган Жумабойнинг бир оз ақли шовди. Чол кўргур адашдимикан деган ўйга ҳам борди. Ахир туғундаги пул нақд 1 миллион сўм эдида. Тўй қутилгандан ҳам зиёда бўлди. Ёш олдига фермер ҳиммати бир умрга муҳрланадиган бўлди.

**Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири**

ИКТISОД БИЛИМДОНЛАРИ

Халқаро бизнес-марказда олий ўқув юртлири иктисодиёт мутахассислик талабалари учун «Экономическое обозрение» («Иктисодий шарҳ») журнали томонидан ташкил этилган танлов фойдаларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танловни ўтказишдан мақсад иктисодий таълимни тарғиб қилиш ва ёшлар ўртасида унга қизиқишни кучайтиришдир.

Танловда 29 университет ва институтдан 112 талаба иштирок этди. Танлов иштирокчилари га макро ва микро иктисодиёт, халқаро иктисодий муносабатлар, республиканинг ижтимоий-иктисодий аҳоли ва бошқа базавий фанлар бўйича теътик топширилди.

Биринчи ўринни Шукрат Мирзалиев, иккинчи ўринни Олим Латипов, учинчи ўринни эса Ирина Трикова эгаллади. Уларнинг барчаси Жаҳон иктисодиёти ва дипломатия университети талабалари.

Бугунги кунда маҳалла эркин фуқаролик жамиятининг кичик бир бўғини сифатида ҳуқуқий маккамга эга бўлди. Юқасак маънавият, меҳру оқибат ва миллий қадриятлар маҳаллада шаклланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида шаклланган бу тизимнинг яна бир жиҳати шундаки, у ерда истиском қилувчилар тили, дини, урф ва одатларидан қатъи назар аҳил ва иноқ турмуш кечираяптилар.

Қорақалпоғистон жанубидаги улуг аллома Бегуннинг номи билан аталган шаҳарда «Пактакор» маҳалласи бор. Э.Райимбоев раислик қилаётган бу фуқаролар йиғини 1995 йилда ташкил топган. Ҳатта йиллар давомида маҳалла янада чиroy очиб, кўркамлашди. Ахиллик ва осойишталик кўрғонига айланди.

Ундан ортик миллат вакиллари бир оғла фарзандларидек умргузаронлик қилаётган қўрғонда ибратли ишлар амалга ошириляпти. Оксоқол атрофида уюшган фаоллар кам даромадли оилалар, ёлғиз қариқлар ва ногиронларнинг оғирини енгил, мушқулини осон қилиш йўлида асло тиним билишмаяпти.

Маҳаллада тўққизта кўча бўлиб, 443 та оилада 2100

Танлов

маромига етказиб ижро этган Чирчиқдаги «Электромимёсаноати» корхонаси ишчилари — опа-сингил Зина ва Клава Гавриловлар голиб деб топилдилар.

Янги Ангрэн иссиқлик электрстанцияси ишчиси Дилфуза Халиловага эса шу корхона ишчиси Маулуда Темирбекова шеърига баъсталанган «Ўзбекистон» кўшиги ижро этган.

Танловнинг учинчи йўналиши — рақс жанри ҳам жуда қизиқарли ўтди. Унда танланган мусиқа, ижрочилик маҳорати ва костюмлар ранг — баранглигига, ижронинг самимиийлигига ҳам алоҳида эътибор берилди.

«Аббос» гуруҳининг миллий чолғу асбобларимизда ижро этган халқона мусиқаси остида ажойиб рақсни саҳналаштирган «Аммофос» корхонаси ходими Оюлия Колдақова ўз бадиий ҳаваскорлик дастаси билан ижро этган рақси барчаннинг эътиборини ўзига жалб этди ва у голибликни қўлга киритди.

Чирчиқ «Электромимёсаноати» корхонаси ходимлари опа-сингил Диана ва Лиана Абдуллаева, Зарема Саметдинова, Диана Сайдахметова «Атиргул» рақсини ижро этиб иккинчи ўринни эгалладилар.

Фахрли учинчи ўринни Ангрэн кўмир қониди тоғ ишчиси вазифасида ишлаб келаётган Дилноза Дўстмухамедова «Жонона юртим» рақсини ижро этиб қўлга киритди.

Барча голибларга вилоят тармоқ кўмитасининг қимматбахо совғалари топширилди. Қолган иштирокчилар ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар.


**М.ЎРМОНБЕКОВА,
ЎЗКУФК матбуот котиби**

Наманган магистрал электр тармоқлари «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси «Ўзэлектротармоқ» шўба корхонаси филиали ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси эса, электр энергияни ишлаб чиқариш (электр станциялари) ва сотиш соҳасида оралик звено сифатида электр тармоқларини оптимал ва ишончли ишлашга таъминлаш ҳолда электр энергияси узатиш ва тақсимлашдан иборатдир.

Бугунги кунда наманганлик нурилар 2139,26 километр узунликдаги электр трассасига хизмат кўрсатиб, вилоят халқ ҳўжалиги ва аҳоли хонадонларида электр қувватининг бир маромида тақсимланганига эришяпти.

Жумладан, ўтган йили улар ёрдамида 2 миллиард 373 миллион 240 миң 148 кВт. электр энергия етказиб берилди.

Суратларда: электромонтёр Б.Неъматуллаев; ўз ишининг усаталари А.Холдоров, С.Мамадалиев ва Ф.Абдуллаев.



Х. МАМАДАЛИЕВ (Ўза) олган суратлар



ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР ҲОМИЙЛИК

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳамда Хитойнинг «SPTOS» компанияси ўртасида имзоланган шартномага асосан Қашқадар вилоятида «Зетжи-50 ДЕС» русумли замонавий бургулаш ускуналари ўрнатилмоқда.

Яқинда мазкур ускуналардан бири хитойлик мутахассислар томонидан Хисорда нефт ва газ қидирув экспедицияси унитар шўба корхонасига қарши Шимолги Фўзор 6 кўдугига қисқа муддатда ўрнатилди.

Корхона бошлиги Қобул Тўхтаевнинг маълум қилишича, янги бургулаш ускунасида илгаридан фарқли ўлароқ барча жараёнлар автоматик равишда бошқарилади.

— 600 миңдан зиёд аёллар қўшимча таътил олдилар; — 40 миң нафар аёлларнинг туғишгача ва туғишдан кейинги таътиллари кун қонунда кўрсатилганига нисбатан 1-2 ойга иш берувчилар маблағидан узайтириляпти; — мактаб ёшигача фарзандлари бор 200 миңдан кўп аёлларга қисқартирилган иш кунини ўрнатилган ва уларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда; — фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш таътиллари даврида 40 миң нафар аёл моддий ёрдам олапти (давлат томонидан белгиланган нафақа фақат бола 2 ёшга тўлгунга қадар берилди); — маълумки, фарзанди 3 ёшга тўлгунга қадар бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга иш ҳафтасини бир соатга қисқартирилиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали нодавлат секторига хизмат қилаётган 100 миң нафар аёл ҳам ушбу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар;

Олий Мажлисининг Ишон ҳуқуқлари бўйича вакили (Мубодисман), Хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар Ижтимоий ҳаракати билан ўрнатилган доимий ҳамкорлик касба уюшмаларига аёлларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини янада оширишга имкон берди.

Э.ЕКУБОВ

КАСАБА УЮШМАЛАРИ БУГУН

Касаба уюшмалари иш жойларидаги ҳавф-хатарнинг олдини олиш бўйича назоратни қўпайтиришга, иш берувчилардан меҳнаткашлар соғлигини сақлаш масалалари билан мунтазам шуғулланишларини талаб қилишга интилкидақдир.

Корхоналарда ҳавфсизлик бўйича вакиллар институтини қўпайтириш

Касаба уюшмаларининг миллий маркада ҳисобланадиган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Хукумат билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, жамиятимизни ислоҳ қилишнинг бош йўналишлари бўйича давлат дастурларини рўйбга чиқаришда бевосита иштирок этмоқда. Чунки, 2004 йилда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси «Меҳр ва муруват йили» Давлат дастури бажарилишига қўмаклашмоқда.

6. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳавф-хатарсиз меҳнат шaroитини яратиш, иш жойларида аттестация ўтказиш масалалари хозирги босқичда касба уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда.

Мазкур муаммони ҳал этиш қўйидаги мақсадларни кўзда тутади:

- 1) Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меҳнат муҳофазаси бўйича стандартларини ўргатиш;
- 2) касба уюшмалари аъзоларини ўз соғлиғига ва ҳавфсизлигига таҳдид қилувчи омилларни аниқлаб олишга жалб қилиш;
- 3) иш жойларини яхшилаш юзасидан тақдирлар киритиш ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- 4) ҳавф-хатарсиз меҳнат шaroитини барпо этиш ва ходимлар соғлигини сақлаш бўйича тадбирлар қўриш лозимлигини корхона маъмурияти олдига доимо қўйиб бориш.

Юзасидан иш олиб борилмоқда.

7. Бозор иқтисодиёти шaroитида ижтимоий-меҳнат муносабатларининг ҳал қилувчи тушуночалардан бири — иш ҳақидир. Унинг миқдори ходимларнинг моддий неъматларга эга бўлиш, тиббиёт, таълим ва маданият хизматларида фойдаланиш, фарзандларни вояга етказиш ва тарбиялаш имкониятлари даражасини белгилайди.

Охириги йилларда келишувлар ва жамоа шартномаларига ўз вақтида тўланмаган иш ҳақини индексация қилиш (авиация, алоқа, ёқилғи-энергетика мажмуи, енгил саноат), нархнаво ўсишига қараб иш ҳақини қайта кўриб чиқиш (металлургия) масалалари кiritилишига эришилди.

8. Келишувлар ва жамоа шартномаларида гендер муаммолари, аёллар ҳуқуқини таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгалляпти. Жум-

Жамоа шартномаларининг аҳамияти кўтарилмоқда. Агар 80-йилларнинг ўрталарида республика миқомида 7 миңта жамоа шартномалари имзоланган бўлса, 90-чи йилларнинг ўрталарига келиб уларнинг сони 20 миңтага, 2003 йилда эса бу кўрсаткич 71 миңтага етди.

Жамоа шартномалари орқали 6 миллионга яқин ходимлар манфаатлари ифода этилмоқда. Бу эса ўз навбатида жамоа шартномаларининг мазмунига янги ёндошувларни талаб қилмоқда. Уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан бирга, фойдани тақсимлашда ходимлар иштирокини таъминлаш, ҳавф-хатарсиз меҳнат шaroитларини яратиш, ижтимоий инфраструктуранинг ривожлантириш, корхона йўналиши ва мулк шакли ўзгарганда ёки банкрот бўлганда ижтимоий қаролатларни қўпайтириш масалаларига кўпроқ эътибор қаратиладиган бўлди.

Шу билан бирга, барча иш берувчилар манфаатларини ифода этадиган иш берувчиларнинг республика миқёсидаги бирлашмасининг йўқлиги, умуммиллий миқёсдаги жамоа муозкараларининг олиб бориш учун шерик сифатида директорлар кенгашларини тузиш иши жадал сурбатлар билан давом этмоқда. Бундай кенгашлар енгил саноат, машинасозлик, металлургия ва бошқа тармоқларда тузилган.

Айни пайтда Республика миқомида

ИБЖТИМОИЙ МУЛОҚОТ - АМАЛДА

Бир кун Жумабой хонадонига Саттор ота ташир буюриб қолди. Белбоғи дўппайган, тантанга тайёргарлигини суриштирди. Сўнгра белбоғни ечиб ўртага қўйди. Бу бизнинг тўёнамиз, дея хайр-қўшлашиб чиқиб кетди. Гапнинг очиги, тўёнани кўрган Жумабойнинг бир оз ақли шовди. Чол кўргур адашдимикан деган ўйга ҳам борди. Ахир туғундаги пул нақд 1 миллион сўм эдида. Тўй қутилгандан ҳам зиёда бўлди. Ёш олдига фермер ҳиммати бир умрга муҳрланадиган бўлди.

**Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири**

СУҒУРТА

БОЗОРИДАГИ ЯНГИЛИК

«Ўзбекивест-хаёт» суғурта компанияси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «ЎзРАК» маълумотлар узатиш давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда Интернет қарточкалари эгаларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш полисарини сота бошлади.

— Мамлакатимизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар тобора кўпайиб бо-

Оролбўйи томонларда

оналардан 85 таси моддий жиҳатдан қўлаб-қувватланди.

Бандлик дастури изчиллик билан амалга ошириляпти. Худудда ишсиз юрган йигир-

БИР МАҚАЛЛА ОДАМЛАРИ

кешини яшайди. Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш диққат марказда турибди. Етти кишидан иборат махсус комиссия томонидан одамларнинг яшаб шaroитлари пухта ўрганилиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган Нишон асосида нафақалар тайинланади.

Йилнинг ўтган даврида кам таъминланган оилалардан 66 тасига, қўмакча муҳтож фуқаролардан 64 тасига моддий ёрдам кўрсатилди. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан 1 миллион 222 миң сўм харажат қилинди.

Болалар нафақаси сўраб беришган аризалар синчиқлаб ўрганилиб, 402 нафарига 10 миллион 885 миң сўм моддий ёрдам берилди. Икки ёшгача болалари бор

мадан ортик ёшлар билан суҳбат ўтказилиб, тикувчилик, дурадгорлик ҳақларига жалб этилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими билан ҳамкорликда ёрдамга муҳтож кексаларнинг уйлари таъмирдан чиқарилиди.

— Шаҳримиз Хоразм вилояти билан бирлашиб кетган худудда жойлашган, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла оқсоқоли. — Аҳоли ҳушёрлигини ошириш чоралари қўриляпти. Фуқаролар йиғини посбони етакчилигида кўча бошоилар билан ҳар оқшом маҳаллани айлиниб, ахволдан хабардор бўлиб турибмиз.

Огоҳлик — давр талаби. Аҳоли ўртасида осойишта-

Оғриқ нуқталар

УЙДА МЕҲР КЎРМАГАЧ

эски «дўстлари» ёнига қайтди

Ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайдими. Носоглом муҳит, нотўғри тарбия, қолаверса, иродасизлик пана беради. Собиржон ҳам дуруст тарбия олмади. Сабоби ота-онаниннинг ўзи тарбияга муҳтож кимсалар эди. Ҳар ким ўз билганча яшарди. Айниқса, онасининг қилиқлари қушқондан ташқари бўлиб, болам борку деб ўйламасди ҳам. Оилада ором топмаган болақай уйдан беэзиб, кўчага чиқиб кетди. Энди у ҳар жойда тенгирлаб юрар, мактабга ҳам ҳушига келса борар. Йўқса йўқ, унинг билан биронинг иши бўлмасди. Охир-оқибат Собиржон саёк кимсаларга қўшилиб қолди. Сигарет чекишни, спиртли ичимликлар истеъмол қилишни ўрганди. Илк бор жиноятга қўл урганида ҳали ўспирин эди. (Айрим сабабларга кўра мақола қаҳрамонининг исми-шарифи ўзгаришиб кўрсатилди.)

Тун қора кўрасига бурканган, эл осуда ўйкуда. Урилар оғва қикдан каламушлар каби девордан ошиб ўтиб, биронинг молига даҳл қилишди. Бироқ изкуварлар ҳам анойи эмас. Қилни қирқ ёриб, катта малака ҳосил қилган ички ишлар бўлими ходимларидан қочиб кета олишмади. Уларнинг жиноятчи суд жараёнида ўз тасдиғини топти. Эскилар айтишмоқчи, кечиринмилик улуг неъмат. Судда ислохот давом этаптир. Жазони либераллаштириш — енгиллаштириш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ўспириннинг ҳали вояга етмаганилиги, жиноятга биринчи бор қўл урганлиги инобатга олинди. Улар суд залининг ўзидаёқ жазодан озод этилди.

Собиржоннинг қувончи чексиз эди. Яшашига қучли иштиёқ сездди. Оназорини кўргиси, унинг иссиқ бағрига айбдор бошини қўйгиси келганда, лекин уйда ҳеч ким йўқ эди. Кута-кута йиғитча очна-хор ухлаб қолди. Эртасига ҳам шу хол давом этди. Ҳеч кимнинг қамалмай қолганидан суғинамади. Онасининг «ўз ишлари» кўп эди. Мактаб ҳам, маҳалла ҳам жим. «Бир болага етти қўшини ота-она» деган шарқ фалсафаси гўё унутилиб кетган, биронинг боласи эса жар ёқасида турарди. Узига нисбатан лоқайлик юрагига қаттиқ зарба бўлиб урилди. Энди у ўзини ўнглай олмади. Оиладаги гурбатлардан, дийдилардан тўйди. Ёзгирчилар, қарғишлар жонидан ўтиб кетди. Бирон уни тушунади, тўғри йўлга солмади. Пировардида бола яна кўчага чикиб кетди. Жамиятнинг зарпачига айланди. Утаниннинг ўроғини, кетганининг кетмонини олиб юра-

Дилбар МУРОДОВА, Шаҳрисабз туман жиний ишлар бўйича суд раиси

TV 25-30 май

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

СЕШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури 7.00 "Мунаввар тонг". 7.00 "Мунаввар тонг". Информацион-дам олиш дастури.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. "Луиза Фернанда". 17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Хабарлар" (ўзбек тилида). 7.45 "Бардам бўлинг".

10.10 "Хазил кетидан ҳазил". 10.40 Дисней клуб. 11.00 "Болалар спорти". 11.15 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.

ЧОРШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.35 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури 7.00 "Мунаввар тонг". 7.00 "Мунаввар тонг". Информацион-дам олиш дастури.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. "Луиза Фернанда". 17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Хабарлар" (ўзбек тилида). 7.45 "Бардам бўлинг".

7.45 "Бардам бўлинг". Тонгги дам олиш дастури. 8.45 "Хабарлар" (рус тилида). 9.00 "Болалар спорти".

ПАЙШАНБА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.35 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури 7.00 "Мунаввар тонг". 7.00 "Мунаввар тонг". Информацион-дам олиш дастури.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. "Луиза Фернанда". 17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Хабарлар" (ўзбек тилида). 7.45 "Бардам бўлинг".

14.30 Автопатрул 14.50 "Экспедиция". 15.40 Сийрат 16.00 Давр

ЖУМА, 28

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури 7.00 "Мунаввар тонг". 7.00 "Мунаввар тонг". Информацион-дам олиш дастури.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. "Луиза Фернанда". 17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Хабарлар" (ўзбек тилида). 7.45 "Бардам бўлинг".

18.25 "Тафсилот". 18.40 ТВ клип. 18.45 "Маслак ва мақсад". 19.05 "Хидоят сари".

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. "Луиза Фернанда". 17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Хабарлар" (ўзбек тилида). 7.45 "Бардам бўлинг".

18.40 "Экстрим спорт". 19.00 "Муъжизалар майдони". 20.00 "Время". 20.30 "Маҳорат кирралари".

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. "Луиза Фернанда". 17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Хабарлар" (ўзбек тилида). 7.45 "Бардам бўлинг".

20.00 "Время". 20.30 "Маҳорат кирралари". 21.00 "Хабарлар" (ўзбек тилида). 21.15 "Бизнес-ревью".

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. "Луиза Фернанда". 17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Хабарлар" (ўзбек тилида). 7.45 "Бардам бўлинг".



Юрти. Кураш. 22.20 Футбол. Осиё чемпионати лигаси "Нефчи" - "Ал Араби".

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. "Луиза Фернанда". 17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Хабарлар" (ўзбек тилида). 7.45 "Бардам бўлинг".

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. "Луиза Фернанда". 17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Хабарлар" (ўзбек тилида). 7.45 "Бардам бўлинг".

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. "Луиза Фернанда". 17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Хабарлар" (ўзбек тилида). 7.45 "Бардам бўлинг".

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. "Луиза Фернанда". 17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Хабарлар" (ўзбек тилида). 7.45 "Бардам бўлинг".

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. "Луиза Фернанда". 17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Хабарлар" (ўзбек тилида). 7.45 "Бардам бўлинг".

ЯҚИН ШАРҚ МАСАЛАСИ БЎЙИЧА ЯНГИ РЕЗОЛЮЦИЯ

Жазоир ва Яман томонидан такдим этилган мазкур ҳужжат лойиҳаси кенгаша аъзо 14 давлат томонидан қўллаб-қувватланди. АҚШ бу масалага муносабат билдиришни истамади ва бетараф қолди.

Шарҳловчи минбари

Тўрт кундан буён Рафаҳда амалга оширилган "Булуғдаги камалак" операцияси нафақат Фаластин, балки Исроил аҳолиси орасида ҳам норозилик уйғотмоқда.

Яқин Шарқда рўй бераётган воқеалар жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Исроил армиясининг Газа минтақасида амалга ошираётган ҳарбий операциялари натижада тинч аҳоли кўпроқ жабр кўрапти.

